

Юксак эътироф муборак!

24 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гурӯҳини мукофотлаш тўғрисида”ги [Фармон](#)га имзо чекди.

Мазкур фармонга кўра, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Мухаммадали Абдуқундузов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

Мухаммадали Абдуқундузов 1952 йилда Ўзбекистон тумани Яипан шаҳрида таваллуд топган. Актёрлик касбига ҳавас уни Тошкент Давлат санъат институтига етаклади. Институтни муваффақиятли тугатган ижодкор дастлабки фаолиятини Сурхондарёда, Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида бошлаган.

1986 йилдан бўён Ўзбек Миллий академик драма театрида ижодий фаолиятини давом эттириб келаётган актёр яратган кўплаб образлари уни ҳар бир ўзбек хонадонининг азиз санъаткорига айлантириди.

Айниқса, серқирра ижодкорнинг «Бобур» видеофильмида яратган Захириддин Мухаммад Бобур сиймоси кўплаб ватандошларимиз, ҳаттоқи чет эллик томошибинларнинг ҳам қалбидан чуқур ўрин олган.

Ижодкор 1983 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», 1997 йилда «Ўзбекистон халқ артисти», 1999 йилда «Қорақалпоғистон халқ артисти» фахрий унвонларига, 1997 йилда эса Халқаро Бобур мукофотига сазовор бўлган.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги ана шундай юксак эътироф билан Мухаммадали Абдуқундузовни самимий қутлаб, унга сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик, ижод ва жамоат ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-08-25 17:44:16